

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА ШАХЛО АДАМБАЕВНА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ  
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Машарипова Шахло Адамбаевна**

Акциядорлик жамиятларида пул оқимларини бошқаришни  
такомиллаштириш ..... 3

**Машарипова Шахло Адамбаевна**

Совершенствование управления денежными потоками акционерных  
обществ ..... 25

**Masharipova Shahlo Adambayevna**

Improving cash flow management in Joint Stock companies ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА ШАХЛО АДАМБАЕВНА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ  
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt36 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иминов Одил Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тошмурадова Бувсара Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ашурова Насиба Ботировна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Моваруннаҳр, 16. Тел.: (99871) 237-53-25; факс: (99871) 237-54-01; e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Моваруннаҳр, 16. Тел.: (99871) 237-53-25; факс: (99871) 237-54-01; e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**Н.М. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг барқарорлиги кўп жиҳатдан мулкчиликнинг акциядорлик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Шуниси хусусиятлики, жаҳон миқёсида акциядорлик жамиятларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу ҳолат, бир томондан, катта ҳажмдаги капитал мавжудлигини тақозо этувчи иқтисодиётнинг реал секторидаги йирик ташкилий тузилмалар ўз фаолиятини мулкчиликнинг акциядорлик шаклида юритишга интилишлари, бошқа томондан эса, акциядорлик жамиятларининг иқтисодиётдаги бўш молиявий ресурсларини ўзида жамлаб, уларни марказлашган тарзда бошқариш учун қулай шарт-шароитлар яратишга имкон бериши орқали изоҳланади.

Ҳозирда жаҳон миқёсида корпоратив тузилмаларда жорий ва инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг инновацион шакллари йўлга қўйиш, пул ресурсларини жалб этиш ва тасарруф этиш самарадорлигини ошириш, пул оқимларини бошқаришда қўлланилувчи молиявий дастаклар, технологиялар ва механизмларни такомиллаштириш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борадаги илмий тадқиқотларда акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини оқилona бошқариш асосида компанияларнинг барқарор ўсиши таъминлаш, компанияларда пул маблағларидан фойдаланиш манба ва йўналишлари, ўзини молиялаштириш даражасини оширувчи ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига боғлиқликни пасайтирувчи корхоналар соф пул оқимини максималлаштириш, корхоналар пул оқимларини тартибга солиш механизми шаклланишида молиявий муносабатларни йўлга қўйишнинг интеграциялашган жараёнлари ва бозор принциплари, пул оқимларининг жорий ва истикболли мувозанатга эришишга қаратилган молиявий сиёсатни рўёбга чиқаришнинг молиявий механизмининг илмий асослаш муҳим ўрин тутди. Шунга кўра, акциядорлик жамиятларида молиявий сиёсатни кучайтириш, корхона фаолиятининг стратегик ва тактик мақсадларига эришишни таъминловчи молияни самарали бошқариш тизимини яратишнинг илмий асосларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларни самарали ривожлантириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда юқори даражаларга эришиш учун «...корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»<sup>1</sup> зарурлиги алоҳида белгилаб берилди. Шунга кўра, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи

---

<sup>1</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.

тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида белгиланган вазифалар каторида акциядорлик жамиятларида бошқарувнинг халқаро андозалари ва усулларидан фойдаланиш, корхоналарни стратегик бошқаришда турли даражадаги акциядорларнинг иштирокини кучайтириш, уларнинг молиявий ресурслари манбаларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида, шунингдек ушбу фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Акциядорлик жамиятларида пул оқимлари таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар қатор хорижий олим ва мутахассислар, жумладан, В.В.Бочаров, Л.А.Бернстайн, Ж.К.Ван Хорн, А.Ф.Ионова, В.В.Ковалёв, В.Е.Леонтьев, Н.Н.Селезнёва, А.Д.Шеремет, Г.Шмален ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>2</sup>.

Молиявий менежмент, пул оқимларини бошқариш назариясининг ривожланишига ўзбекистонлик қатор иқтисодчи олимлар, хусусан, Т.И.Бобақулов, А.В.Ваҳобов, Н.Х.Жумаев, Д.Р.Зайналов, О.К.Иминов, О.О.Олимжонов, Т.А.Сатторов, М.Б.Хамидуллин, Р.Х.Карлибаева, К.У.Шарифхўжаева, С.Элмурзаева ва бошқалар катта ҳисса қўшишган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы. - СПб.: Питер, 2008. - 424 с.; Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: пер. с англ./ Научн. ред. перевода чл.-корр. РАН И.И.Елисеева. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 333 с.; Ван Хорн Дж.К. Основы управления финансами/ пер. с англ. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 800 с.; Селезнёва Н.Н., Ионова А.Ф. Финансовый анализ. Управление финансами. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 295 с.; Ковалев В.В. Финансовый менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 2008. - 79 с.; Леонтьев В.Е., Бочаров В.В. Финансовый менеджмент. - М.: Элит, 2005. - 304 с.; Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятия. - М.: ИНФРА, 2008. - 343 с.; Шмален Г. Основы и проблемы экономики предприятия: пер. с нем./ Под. ред. проф. А.Г.Поршнева. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 512 с.

<sup>3</sup> Зайналов Ж.Р. Необходимость создания благоприятствующих условий для реализации денежно-кредитной политики и развития коммерческих банков. Белоруссия. Журнал «Финансовый простір», 2014. - № 4. - С.72-76.; Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании. - М.: Монография, 2014. - 148 с.; Карлибаева Р.Х. Пути эффективного организации системы финансового менеджмента в

Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан пул оқимларини бошқариш муаммосига катта эътибор қаратилганига қарамай, мазкур мавзу устида тадқиқот ўтказиш даражаси етарли бўлмай, акциядорлик жамиятларида пул маблағларини бошқаришнинг услубий ва амалий жиҳатлари маҳаллий иқтисодий адабиётларда айланма капиталнинг элементи сифатида мустақил, чуқур тадқиқот предметига айланган эмас.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

пул оқимларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тадқиқ қилиш ва уларни таснифлаш;

акциядорлик жамиятларида пул оқимларини бошқаришнинг назарий асослари ва принципларини ўрганиш ва тизимлаштириш;

диссертация тадқиқотининг назарий асосларини шакллантириш мақсадида бирламчи илмий назарияларни танлашни асослаш ҳамда замонавий шароитларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уларни трансформациялар йўллари аниқлаш;

акциядорлик жамиятларининг бугунги ҳолати, уларнинг пул оқимларини бошқаришни таҳлил этиш ва асослаш;

иқтисодиётни модернизация қилиш шароитларида акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини таҳлил этиш;

акциядорлик жамиятларида пул оқимларини прогнозлаш ва режалаштириш;

акциядорлик жамиятлари пул оқимларини оптималлаштириш моделини уни мустаҳкамлаш ва ижобий самараларга эришиш ёндашувидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятлари пул оқимларини самарали бошқариш учун ғазначилик хизматини ривожлантириш йўл-йўриқларини белгилаш;

акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқариш самарадорлигини оширишга доир таклифлар ва амалий тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш.

---

акционерных обществах. Монография. – Т: «LESSON PRESS», 2018. – 249с.; Элмирзаев С.Э. Организационные характеристики и вопросы совершенствования дивидендной политики. Электронный журнал. «Международные финансы и бухгалтерский учет». 2016. №2.; Шарифходжаева К.У. Направления дальнейшего развития кредитования и предоставления банковских услуг в Республике Узбекистан. Молодой учёный, 2016. – №13. – 546с.; Саттаров Т.А. и др. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. – Т.: «SHARQ», 2011. – 232б.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикаси кимё саноатида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб акциядорлик жамиятларида пул оқимларини бошқариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, статистик ва молиявий таҳлил, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пул маблағлари ҳаракати бюджети ва тўлов баланси мажмуасини таъминловчи «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти гуруҳида ягона пул базаси» ҳужжатини шакллантириш орқали пул оқимларини режалаштириш ва прогнозлаштириш тизими такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларида пул маблағлари тушуми ва унинг сарфланиши устидан мониторинг тизимини ўрнатиш асосида пул оқимларини самарали бошқариш механизмлари такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларининг барча фаолият турлари бўйича пул оқимлари ҳажмини кўпайтириш ва молиявий барқарорликни таъминлашга олиб келувчи активлар улушини оширишга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқариш институционал асосининг замонавий модели ҳисобланган Ғазначилик хизматини жорий этиш механизми асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари пул оқимларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ўрганилиб, «пул оқимлари» ва «пул оқимларини бошқариш» тушунчаларига муаллифнинг талқинлари ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун пул оқимларини бошқариш тизимида ҳар бир фаолият тури бўйича мутаносибликни сақлаш зарурлиги илмий асосланган;

пул оқимларини режалаштириш ва прогнозлаш тизимини такомиллаштириш услублари асосланган;

пул маблағлари ҳаракатларининг жами бюджети ва тўлов балансини бирлаштирувчи ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тизими тайёрланган;

пул оқимларини самарали бошқариш учун ғазначилик хизматини жорий этиш зарурати асосланиб, акциядорлик жамиятларида пул оқимларини самарали бошқариш учун ғазначилик тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, олинган натижаларнинг ишончлилиги ундаги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти нашр ва ҳисоботларидан олинганлиги, шунингдек, ваколатли органлар томонидан тегишли хулосалар ва таклифлар амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини бошқаришга доир назарий ва услубий билимларни кенгайтириши, шунингдек, акциядорлик жамиятларида пул оқимларини бошқариш билан боғлиқ бўлган турли усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда услубий материал сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган таклифлари акциядорлик жамиятлари ва «Ўзкимёсаноат» АЖ тизими корхоналарида истиқболли дастурлар ва режалар ишлаб чиқишга имкон бериши, акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини бошқаришни такомиллаштириш омилларидан бири сифатида таклиф этилаётган услублар иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида илмий- амалий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда қўлланилиши, шунингдек, тадқиқот натижалари «Молиявий менежмент», «Корхоналар молияси», «Корпоратив молия» фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Акциядорлик жамиятларида пул оқимларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пул маблағлари ҳаракати бюджети ва тўлов баланси мажмуасини таъминловчи «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти гуруҳида ягона пул базаси» тушунчаси асосидаги ҳужжатни шакллантириш таклифи акциядорлик жамияти фаолиятида жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 24 апрелдаги 12-1690/П-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қўлланилиши акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарда пул муомаласини тезлаштиришга, уларнинг пул оқимларини бошқариш самарадорлигини таъминлашга ва акциядорлик жамиятининг тўлов қобилиятини оширишга имкон берган;

акциядорлик жамиятларида пул оқимларини самарали бошқаришнинг такомиллаштирилган механизмларидан фойдаланиш таклифи акциядорлик жамияти фаолиятида жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 24 апрелдаги 12-1690/П-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида акциядорлик жамиятларида пул маблағлари тушуми ва сарфланиши устидан самарали мониторинг тизимини ўрнатиш асосида пул оқимларини самарали бошқариш имкони яратилган;

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятида активлар улушини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф акциядорлик жамияти фаолиятида жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 11 октябрдаги 04/3644-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши акциядорлик жамиятлари барча фаолият турларидан пул оқимлари ҳажмини кўпайтириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш имконини берган;

акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқариш институционал асосининг замонавий модели ҳисобланган ғазначилик хизматини жорий этиш

таклифи акциядорлик жамияти фаолиятида жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 11 октябрдаги 04/3644-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши кўшимча даромад олиш, корхонанинг тўлов қобилиятини ошириш, даромадлиликни йўқотмаган ҳолда йирик тўловлар учун зарур пул маблағларини жамлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, эълон қилинган ишланмалар ва диссертация тузилиши бўйича ахборот келтирилган.

Диссертация ишининг «**Акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқаришнинг назарий асослари**» номли биринчи бобда қайд этилишича, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида пул маблағлари нисбатан чекланган ресурс ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда пул оқимларини самарали бошқариш механизмини яратиш муҳим масала ҳисобланади, зеро бунинг оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар қатори, акциядорлик жамиятларининг ҳам барқарор ривожланиши таъминланади.

Ҳозирги вақтда молиявий менежмент, молиявий таҳлил ва аксилинқирозий бошқарув бўйича илмий ва ўқув-амалий адабиётларда айнан пул оқимлари моҳиятига кўп эътибор берилаётир. Бироқ кенг назарий асослар мавжудлигига қарамасдан уларнинг умумэътироф этилган таърифи шу пайтгача ишлаб чиқилган эмас.

Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарурати сабабли «пул оқими» деб аталувчи пул маблағларининг ҳаракатини талқин қилиш маъносини йўқотади<sup>4</sup>. Бунда корхоналар пул маблағларининг умумий ҳаракатига (кирим ва чиқим) урғу берилади. Акциядорлик жамиятларини операция молиявий бошқариш контурларида пул маблағларини самарали бошқариш фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича пул оқимларини пухта тузилмавий таҳлил қилиш ва назорат қилишни талаб этади.

Пул оқимлари муайян давр билан боғлиқ ва вақтнинг маълум моменти мобайнида пул маблағларининг жами чиқими ва кирими ўртасидаги тафовутини ўзида ифодалайди. Пул оқими ҳаракати ҳар бир хўжалик юритувчи субъект молиявий муносабатлари, пул фондларини шаклланиши жараёнининг моддий асосини ташкил қилади.

Пул оқимининг ушбу хусусиятларига асосланиб, қуйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилади: акциядорлик жамиятининг пул оқими – бу унинг муайян вақт мобайнидаги молия-хўжалик ва инвестицион фаолияти натижасида жамланадиган, замон ва макон бўйича тақсимланадиган пул маблағлари оқимлари мажмуасидир.


Молиявий жараён сифатида пул оқими молия-хўжалик фаолиятининг натижасидир. Шу сабабли молиявий менежмент тизимида пул оқими молиявий мувозанат ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим бошқарув объектларидан

---

<sup>4</sup>Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: пер. с англ./ Научн. ред. перевода чл. - корр. РАН И.И.Елисеев. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 333 с.

бири ҳисобланади. Назарий тадқиқотнинг кўрсатишича, пул оқимини бошқариш тизимини талқин қилиш ҳам полисемантик характерга эгадир. Пул оқимларини бошқаришга оид турли қарашларни илмий тадқиқ этиш асосида пул оқимлари парадигмаси, кенг элементлар спектри ва бошқарув шаклларини ўзида мужассамлаштирувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Акциядорлик жамиятида пул оқимларини бошқариш тизими – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий мувозанати ва барқарорлигини таъминлаш учун молия хизмат тизими томонидан пул маблағлари оқимиға мақсадли йўналтирилган, узлуксиз таъсир кўрсатиш услублари, дастаклари ва ўзига хос усуллари мажмуасидир.

Пул оқимларини бошқаришга доир бундай мақсадларга эришиш учун акциядорлик жамиятларининг молия-хўжалик фаолиятида пул оқими ролини ҳисобга оладиган бир қатор вазифалар белгиланади. Пул оқимларини бошқаришга доир вазифаларни қўйишга бир қатор ташқи омиллар таъсир кўрсатади, булар: миллий иқтисодиёт ҳолати, бозор конъюнктураси, давлат иқтисодий сиёсатининг йўналишлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Ички омиллар: АЖнинг молиявий ҳолати, корпоратив бошқарув тизими, корхона фаолиятининг миқёси ва бошқалар (1-расм).



**1-расм. Акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқаришнинг асосий вазифалари<sup>5</sup>.**

Ижобий пул оқимининг максималлашуви ва, аксинча, салбий пул оқимининг минималлашуви натижасида молиявий ресурсларнинг ҳисоб рақамларда, валюта счётлари ва кассада жамланиши ҳам АЖнинг айланма маблағларидан самарали фойдаланиш позициясига салбий таъсир кўрсатади.


<sup>5</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Айланма активлар таркибида пул активлари улушининг кўпайиб кетиши молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришдан муомала соҳасида жамланиши учун шароитлар яратади ва охир-оқибатда, қўшимча молиявий ресурсларга талаб юзага келади, бу эса айланма активлар ҳаракатини секинлаштиради.

Шунинг учун, бизнингча, умумий молиявий бошқарувнинг стратегик мақсадига асосланган ҳолда пул оқимларини бошқариш бўйича белгиланган вазифалар акциядорлик жамиятларининг мутаносиб ривожланишини таъминлашга йўналтирилиши лозим.

Ижобий ва салбий пул оқимларини мувозанатлаштиришга қаратилган молиявий бошқарувнинг ташкилий тузилмаси элементлари ва уларни вақт бўйича синхронлаш молиявий бошқарув самарадорлигининг асосий омили ҳисобланади. Пул оқимларини самарали бошқариш воситасида инвестицион ва суғурта мақсадларининг ҳақиқатдаги қолдиқларини шакллантириш учун зарур (молиявий-эксплуатацион эҳтиёжлар) пул маблағларининг муқобил ҳажмидан ташқари ортиқча ва ҳаракатсиз пул маблағларини айланма активлар таркибида минималлаштириш мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, қўшимча ички молиявий ресурсларни сафарбар этиш имконияти эвазига АЖ ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рентабеллигини оширишга олиб келади.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, АЖ пул оқимларини бошқариш уларнинг капиталлар рентабеллигини, инвестицион фаолиятини ошириш ва молиявий бозорда мустаҳкам ҳолатини таъминлаш мақсадида пул маблағларини фойдали битимларга қисқа муддатга инвестициялаш билан боғлиқ АЖларнинг манфаатларини ҳисобга олиши зарур (2-расм).



**2-расм. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида пул оқимларини бошқаришнинг роли<sup>6</sup>.**

Пул оқимларини самарали бошқариш АЖнинг стратегик ривожланиши жараёнида унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Бундай

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмалари ассосида тузилган.

ривожланишнинг суръатлари, АЖнинг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан турли кўринишдаги пул маблағларининг чиқими ва киримининг замон ва маконда қанчалик ўзаро синхронлашганлиги билан белгиланади. Оптимал даражадаги синхронланганлик АЖни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини амалга оширишни тезлаштиради.

Корхоналар асосий ва айланма активларини молиялаштиришнинг ички манбалари иқтисодиётда молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, истиқболда уларни ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий имкониятларидан бири сифатида хўжалик субъектларининг пул маблағларини самарали бошқариш орқали ички молиявий салоҳиятни оширишни талаб қилади.

Муҳим жиҳати шундаки, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан иқтисодиёт реал сектори корхоналари зиммасига муайян вазифалар юкланади. Хусусан, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилган иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш, рақобатбардошликни оширишга таъсир кўрсатмоғи лозим<sup>7</sup>.

Пул маблағлари чекланган ва зарур ҳаётий ресурс ҳисоблангани боис АЖларда пул маблағлари чиқими ва кирими жараёнини бошқаришнинг оптимал механизмини барпо қилиш муҳимдир. Бу механизм хўжалик жараёнларини зарур ҳажмда ва миқдорда пул маблағлари билан таъминлаш ва молиявий мувозанатни бошқариш йўли билан пул активларининг оптимал қолдиғини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса инфляция нисбатан юқори ва тўлов интизоми паст бўлган шароитда бундай адекват механизмни яратиш учун пул маблағларининг чиқими ва кирими ҳамда уларнинг шаклланиши шарт-шароитлари тўғрисида маълумотлар зарур бўлади.

Диссертациянинг **«Акциядорлик жамиятларининг пул оқимлари бошқарувини ташкил қилиш»** номли иккинчи бобида АЖ фаолияти турлари бўйича пул маблағлари кирими ва чиқимининг умумий ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар кўриб чиқилган.

Амалиётнинг кўрсатишича, вертикал-интеграл ташкилий тузилманинг юқори иерархиясини ташкил қилувчи бош компаниялар активларининг умумий ҳажми таркибида айланма активларнинг улуши нисбатан паст даражани ташкил этади. Аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш фондларига эҳтиёжнинг пастлиги натижасида айланма активлар таркибида муомала фонди элементлари, яъни дебиторлик қарзи ва пул маблағлари нисбатан юқори улушга эга бўлади. Бу айланма актив таркибидаги пул маблағларининг зарурий ҳажми учун бўлган эҳтиёжга бевосита таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, пул маблағларини шакллантириш манбалари, уларни сарфлаш йўналишлари акциядорлик

---

<sup>7</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.

жамиятларида пул оқимларини самарали бошқаришда қарорлар қабул қилиш учун муҳим принциал аҳамият касб этади.

1-жадвал

**2013-2016 йилларда «Ўзкимёсаноат» АЖ айланма активлари таркиби ва динамикаси таҳлили<sup>8</sup>**

Кўрсаткич номи	2013		2014		2015		2016		2017	
	млн. сўм	%	млн сўм	%	млн. сўм.	млн. сўм.	млн сўм	%	млн. сўм.	%
Айланма активлар	2617,6	100	25386,5	100	18425,6	18425,6	22607,8	100	18425,6	100
Товар-моддий захиралар	18,9	0,7	34,1	0,1	98,5	98,5	38,4	0,2	98,5	0,5
Келгуси давр харажатлари	4,7	0,17	0,32	0,001	-	-	-	-	-	-
Кечиктирилган харажатлар	-		274,5	1,1	2453,8	2453,8	456,1	2,0	2453,8	13,3
Дебиторлик қарзи	2267,2	86,6	3897,5	15,4	14452,1	14452,1	11096,9	49,1	14452,1	78,4
Пул маблағлари	326,7	12,5	21180,3	83,4	19451,4	1421,2	11016,4	48,7	1421,2	7,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Ўзкимёсаноат» АЖ хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари туфайли айланма активлар тузилмасида ишлаб чиқариш фондлари жуда кам улушни ташкил қилади. Айланма активлар тузилмасида товар-моддий захиралар энг юқори қиймати охириги 4 йил ичида атиги 0,7% ни ташкил қилган.


Маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, айланма активлар таркибида дебиторлик қарзи ва пул маблағлари каби муомала фонди элементлари катта улушни эгаллайди. Яъни, 2013 йилда пул маблағлари 326,7 млн сўмни ва уларнинг умумий айланма активлардаги улуши 12,5% ни ташкил қилган. 2014 йилда айланма активлардаги пул маблағлари кескин ошди ва 21180,3 млн сўмга етди. Бу, асосан, ҳисоб рақамдаги пул маблағларининг кўпайиши ҳисобига юз беради. Шуни таъкидлаш жоизки, экспорт операциялари бўйича валюта тушуми пул маблағларининг мазкур кўрсаткичга етишига имкон берди.

2015 йилда пул маблағлари 19 451,4 млн сўмни ташкил қилган, мазкур кўрсаткич 2016 йилда кескин пасайди ва 11016,4 млн сўмни ташкил қилди. Охириги 2 йил ичида пул маблағлари камайишининг сабабларидан бири жаҳон бозорида кимё тармоғи корхоналари томонидан экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг нархи деярли 2 бараварга тушиб кетган. Бу акциядорлик жамиятининг валюта тушуми ва валюта маблағлари ҳажмига бевосита таъсир кўрсатди.

2017 йилда кечиктирилган харажатларнинг ортиши ва дебиторлик қарзларининг юқори салмоғи ҳисобига пул маблағларининг айланма активлардаги улуши 7,7 фоизга тушган.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан «Ўзкимёсаноат» АЖ йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, охириги 2 йил мобайнида айланма активлар таркибида пул маблағлари улушининг пасайиш динамикаси кузатилмоқда. Буни қуйидаги расмдан кўриш мумкин (3-расм).



**3-расм. «Ўзкимёсаноат» АЖнинг пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ўзгариши динамикаси<sup>9</sup>.**

2014 йилда айланма активлар таркибидаги пул маблағларининг кескин ошиши кузатилмоқда. Яъни, 2013 йилда айланма активлар таркибидаги пул маблағлари атиги 12,5%ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2014 йилда 83,4% гача ошди. Охириги 2 йил мобайнида пул маблағлари улушининг камайиши пул оқимлари таркибида пул маблағлари чиқимининг киримга нисбатан юқори суръатда ўсиб борганлигини тасдиқлайди. Ушбу жараёнда муомала фондининг бир элементи бўлган пул маблағларининг дебиторлик қарздорлигига трансформациялашуви кузатилмоқда.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

пул маблағларининг айланма активлар таркибидаги ўзгариши дебиторлик қарздорлигининг ўзгаришига боғлиқ бўлмоқда. Бундай ҳолат АЖ айланма активлари таркибидаги муомала фондларини камайишига олиб келмайди;

айланма активлар таркибида муомала фондлари элементларининг (дебиторлик қарздорлик ва пул маблағлари) юқори салмоғи унинг айланишини секинлашувига ва айланма маблағлар рентабеллигининг пасайишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, муомала фондларининг таркибида дебиторлик қарздорлигининг ўсиб бориши АЖ баланс абсолют ликвидлигини йўқолиш rischi таъсир этади;

таҳлил қилинаётган даврларда айланма активлар тузилмасининг ҳолатидан хулоса қилиш мумкинки айланма активларни бошқаришда пул оқимларини бошқаришга тизимли ёндашув бўйича қарор қабул қилиш заруриятини юзага келтиради;

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан «Ўзкимёсаноат» АЖ йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган



акциядорлик жамиятларининг пул оқимларидаги тенденциялар ўзгаришига таъсир кўрсатадиган пул оқимларини бошқариш тизими муайян стратегияга эга бўлмаётир. Пул чиқимларини бошқаришда асосланмаган харажатларга эътибор қаратиш ҳамда пул ресурсларини сарфлаш тизимининг шаффофлигини назоратга олиш лозим;

молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва пул кўринишидаги даромадлар тушуми акциядорлик жамияти соф фойдасининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шунинг учун АЖнинг молиявий активларини бошқаришда ҳисобга олиниши зарур бўлган жамиятнинг дивидендлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Хорижий ав маҳаллий иқтисодчи олимларнинг пул оқимлари самарадорлигини баҳолашга ёндашувларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида қуйидаги комплекс кўрсаткичлар тизимлаштирилди:

пул оқимлари динамикаси кўрсаткичлари;

пул оқимлари сифати кўрсаткичлари;

пул оқимлари мувозанати кўрсаткичлари;

пул маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари

Бизга маълумки, «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув аппарати ҳисобланади, унинг асосий фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланмайди. Шу сабабли кимё саноати АЖ лар фаолиятига оид реал маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикасининг кимё саноати соҳасининг асосий корхоналаридан бири бўлган «NAVOIYAZOT» АЖ фаолиятини таҳлил қилишга тўғри келди (2-жадвал).

2-жадвал

**«NAVOIYAZOT» АЖ пул оқимлари динамикасининг кўрсаткичлари<sup>10</sup>**

Кўрсаткичлар / йиллар	2013	2014	2015	2016	2017
Пул киримининг ўсиш коэффициенти, $(P_1 - P_0) / P_0$	0,07	0,161	0,068	0,107	0,216
Пул чиқимининг ўсиш коэффициенти, $(B_1 - B_0) / B_0$	0,04	0,120	0,050	-0,648	-0,257
Соф пул оқимининг ўсиш коэффициенти, $(ЧДП_1 - ЧДП_0) / ЧДП_0$	0,9	-1,318	2,311	30,668	0,429

2-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкинки, пул киримининг ўсиш коэффициенти 2013 йилда 0,07 ни ташкил қилган, 2014 йилда - 0,161 ва охириги 2 йилда 0,216 гача ўсиб борган. Пул чиқимининг ўсиш коэффициенти 2013 йилда 0,04 ни ташкил қилган, 2017 йилда эса бу коэффициент -0,257 гача пасайган. Ушбу ҳолат пул маблағлари киримининг сифат ва миқдор жиҳатидан узлуксиз ортиб бораётганлигидан далолат беради. Натижада 5 йил ичида пул оқимининг ўсиш суръати хаотик равишда ўзгарган ва 2017 йилда 0,429 ни ташкил қилган.

Пул оқимларини самарали бошқаришга йўналтирилган қарорларни қабул қилиш учун акциядорлик жамияти пул оқимларининг муайян даврдаги таркиби ва динамикаси ўзгаришини чуқур таҳлил қилиш талаб қилинади (3-жадвал).

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан «NAVOIYAZOT» АЖ йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги тўрт йил ичида пул оқимларининг етарлилик коэффициенти нолдан юқори бўлган. Яъни, 2014 йилда 1,008 ни, 2015 йилда 1,025 ва 2016 йилда 3,224 ни ташкил қилган. 2017 йилда эса 5,275 ни ташкил этган. Бу ҳолат «NAVOIYAZOT» АЖда охириги тўрт йилдаги пул маблағлари кирими чиқимдан ошганлиги ва юқори даражада ўсиб борганлигини англатади.

**3-жадвал**

**«NAVOIYAZOT» АЖ пул оқимларининг сифат кўрсаткичлари<sup>11</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>
Пул оқимларининг етарлилик коэффициенти ( $K_1$ ) (чиқим ва кирим)	0,972	1,008	1,025	3,224	5,275
Пул оқимлари кирими ва активлар қиймати нисбатининг коэффициенти ( $K_2$ )	0,889	0,882	0,639	0,393	0,241
Соф пул оқимининг пул маблағлари оқимига нисбатининг коэффициенти ( $K_3$ )	-0,028	0,008	0,024	0,690	0,810
Фаолият бўйича соф пул оқимининг активлар қийматига нисбатининг коэффициенти ( $K_4$ )	-0,025	0,007	0,015	0,271	0,196
Соф пул оқими ва салбий пул оқими нисбатининг коэффициенти ( $K_5$ )	-0,028	0,008	0,025	2,224	4,275

Пул оқимлари кирими ва активлар қиймати нисбатининг коэффициенти охириги 5 йил ичида пасайган. Бинобарин, мазкур коэффициент 2013 йилда 0,889 ни, 2014 йилда- 0,882 ни, 2015 йилда 0,639 ни ташкил қилган, 2016-2017 йилларда кескин тушиб кетган. Мазкур коэффициентнинг кескин пасайиши акциядорлик жамиятлари фаолиятида инвестиция қилинган активларнинг интенсивлик даражаси пасайганлигини кўрсатади.

Фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича соф пул оқими ва салбий пул оқими нисбатининг коэффициенти ( $K_5$ ) 2013-2017 йилларда ўсиши кузатилган. Бу фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича тўловларни тўлашга йўналтирилган пул маблағлари самарадорлиги аста-секин ошганлигини билдиради.

4-жадвалда пул маблағларини балансланган ҳолда бошқаришнинг асосий индикаторлари келтирилган. 2013 йилда пул оқими келиши коэффициенти - 1,574 ни ташкил қилган, яъни соф пул оқими салбий тавсифга эга бўлиб, пул маблағлари қолдиғининг ўсишига таъсир кўрсатмаган. Шунинг учун 2013-2014 йилларда «NAVOIYAZOT» АЖ айланма активлари таркибида пул маблағларининг кўпайиши деярли кузатилмаган (2013 йилда – 12,2 , 2014 йилда -18,3 млрд сўм). 2015-2016 йилларда ушбу коэффициент мос равишда 0,525 ва 0,943 коэффициент даражаларигача ошган. Яъни соф пул оқими айланма активлардаги пул маблағларининг ўсишини таъминлаган. Бу ҳолат пул маблағлари чиқимини қоплаш коэффициенти таҳлил қилинаётган даврда 1 кўрсаткичидан юқори. Бу ҳол АЖ ўз мажбуриятлари юзасидан пул маблағлари тушуми ҳисоб-китобларини амалга оширишга қобилиятли эканлигини кўрсатади.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан «NAVOIYAZOT» АЖ йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган

«NAVOIYAZOT» АЖ пул оқимларининг балансланиши кўрсаткичлари<sup>12</sup>

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017
Пул оқими келиши коэффициенти, СПО / $K_{\text{охир}}$	-1,574	0,333	0,525	0,943	0,574
Пул маблағлари чиқимини қоплаш коэффициенти, $(K_{\text{бош}} + T) / Ч$	1,018	1,024	1,047	3,358	8,447
Абсолют ликвидлилик коэффициенти, $K_{\text{охир}} / K_{\text{ММ}}$	0,018	0,025	0,042	1,598	2,285

Пул оқими бўйича хусусий капиталнинг абсолют ликвидлилик ва рентабеллик коэффициенти 1 дан юқори эканлиги далили соф пул оқими қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш учун етарли эканлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни қайд этиб ўтиш лозим:

Пул оқимлари акциядорлик жамиятининг фаолиятидаги барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олади. Акциядорлик жамиятларида шакллантирилган самарали пул оқимлари корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади;

пул оқимлари кўрсаткичларини баҳолаш ёритиш унинг асосий тавсифини яъни: мувозанатлашганлигини, улардан оқилана фойдаланилаётганлигини изоҳлайди;

соф пул оқими пул маблағларининг ҳаракатининг капитал ҳажми ва унинг таркиби билан боғлиқлигини ўрганишда асосий кўрсаткич ҳисобланади. «Соф пул оқими» кўрсаткичи акциядорлик жамиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқловчи асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

